

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • [www.uzssgzt.uz](http://www.uzssgzt.uz), [info@uzssgzt.uz](mailto:info@uzssgzt.uz) • 2014 йил 1 август • № 30 (999)

Люблю тебя, ты дорог мне, родной мой Узбекистан!

## ЗАБОТА И ВНИМАНИЕ КАЖДОМУ РЕБЕНКУ



**Ребенок – радость семьи, будущее общества. Воспитание его здоровой, образованной и высокодуховной личностью является благородной мечтой не только родителей, но и проводимой нашим государством политики. Именно поэтому с первых лет независимости детям в нашей стране оказываются особое внимание и забота.**

Как отметил глава нашего государства, нашим долгом является не только воспитание физически и духовно здоровых детей, но и воспитание их всесторонне гармонично развитым поколением, личностями, обладающими самыми современными, востребованными в XXI веке интеллектуальными знаниями.

С обретением независимости наша страна стала равноправным членом международного сообщества. Наше государство присоединилось ко множеству международных документов по правам человека и ряда других международных правовых документов является свидетелем того, что вопросы защиты интересов детей в нашей стране возведены в ранг государственной политики.

Кроме того, в составленном авторитетными международными организациями мировом рейтинге Узбекистан вошел в десятку ведущих стран мира, где больше всего оказывается забот об укреплении здоровья детей.

Реализуемая в Узбекистане национальная модель охраны здоровья матери и ребенка “Здоровая мать – здоровый ребенок” признана как одна из эффективных стратегий достижения Целей развития тысячелетия.

В годы независимости в результате последовательного реформирования системы здравоохранения в нашей стране, как и во многих направлениях медицины, сформировалась уникальная система защиты материнства и детства. Создана целостная и продуманная организационная структура медицинского обслуживания матерей и детей, охватывающая перинатальную и скрининг-службу, областные детские многопрофильные медицинские центры и республиканские специализированные медицинские центры, оказывающие сложные высокотехнологичные медицинские услуги.

Вместе с тем в нашей стране действуют 6400 педиатров, 1400 неонатологов, более 5300 акушеров-гинекологов, около 800 детских хирургов и стоматологов. В результате проводимой работы сегодня в нашей стране непрерывно повышаются пока-

затели здоровья населения.

В годы независимости в Узбекистане смертность матерей сократилась в 3,1 раза, детей – в 3,2 раза. В результате реализации программы “Скрининг матери и ребенка” с 2000 года в 1,8 раза сократились случаи рождения детей с врожденными патологиями. В настоящее время 92 процента детей нашей страны по показателям развития полностью отвечают стандартам Всемирной организации здравоохранения. Если в 2005 году показатель абсолютно здоровых детей составлял 52,7 процента, то к началу 2013 года этот показатель превысил 63 процента.

Вместе с тем в нашей стране проводится широкомасштабная работа по профилактике опасных для жизни человека инфекционных заболеваний. В настоящее время во всех регионах страны более 98 процентов детей прививаются от инфекционных заболеваний. В результате полностью устранены такие заболевания, как полиомиелит, младенческий коклюш, дифтерия, корь, резко сократились случаи ряда других инфекционных заболеваний.

Указы и постановления Президента нашей страны, принятые в области здравоохранения, защиты материнства

(Окончание на 2-й стр.).

Истиқлол шарофати

## ЭЛИМ, ЮРТИМ ДЕГАН ИНСОН КАМ БЎЛМАС

**Ўзбекистон мустақиллигига эришмасдан олдинги дамларни яхши эслайман. Қайси ҳудуд бўлишидан қатъи назар, аҳоли ўртасида турли касалликлар кўп кузатилади, оналар ва болалар ўлимидаги юқори кўрсаткичлар учун биз шифокорлардан кўпинча танбеҳ эшитардик. Бундай камчилик-нуқсонларни бартараф этиш учун шароитлар етарли эмас эди.**

Бугун эса бутунлай бошқача. Нураб турган шифохона ўрнида замонавий иншоот қад ростлаган. Эскирган, ярқисиз ҳолга келган буюм ва жиҳозлар ўрнида энг сўнгги русумда ишлаб чиқарилган тиббий воситалар. Ҳар иккала даврни солиштириб, бехитёр кўзларимга ёш келади, қалбимда истиқлол берган имкониятлар учун шукроналик ҳисси жўш уради. Ким эдигу, ким бўлди, деган савол кўнглимдан ўтади.

Мен меҳнат қилаётган Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббий маркази 2008 йилда ташкил қилинган бўлиб, 155 ўринга мўлжалланган. Бу ерда болаларга кардиология, пульмонология, катта чақалоқлар, неврология, гастроэнтерология, реанимация бўлимлари хизмат кўрсатмоқда. 2011 йилда шифохонамизда Инвестиция дастури бўйича бошланган қайта таъмирлаш ишлари 2012 йил март ойига келиб ниҳоясига етказилди. Шифохонамиз ёнида маслаҳат-поликлиника биноси янгидан қурилиб, айни кунда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Қурилиш-таъмирлаш ишларидан сўнг марказимизда она-боланинг тўлақонли даволаниб чиқиши учун кенг имкониятлар яратилди. Германиядан 680 минг евро эвазига келтирилган энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар – рентген, ультратовуш аппаратлари ўрнатилган, шифохонамизнинг моддий-техник базаси янада кенгайди.

Болалар ўртасида учрайдиган касалликларни эрта аниқлаш, даволаш жараёнини ташкил этишга шифохонамиз маъмурияти томонидан ҳамиша эътибор қаратилмоқда. 2009 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси ҳамкорлигида «Она ва болалар соғлигини сақлаш ўқув маркази»нинг ташкил қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Марказга жалб қилинган барча шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича тренер қилиб тайёрланмоқда. Шунингдек, улар вилоятимизнинг турли ҳудудларига бориб, аҳоли ўртасида бу йўналишдаги ишларни такомиллаштирмоқдалар.

Дарвоқе, мустақиллик туфайли тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган эзгу лойиҳалардан бири – «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шiori остида ташкил қилинган чуқурлаштирилган тиббий кўриқдир. Марказимиз шифокорлари Оқолтин тумани аҳолиси ўртасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида чуқурлаштирилган тиббий кўриқни режа бўйича 82 фоизга етказишга муваффақ бўлдилар. Йил охирига қадар 45954 нафар аҳоли учун тиббий кўриқ тумандаги 8 та қишлоқ врачлик пункти шифокорлари билан ҳамкорликда муваффақиятли ниҳоясига етказилиши кўзда тутилган. Гулистон шаҳрида 4 та оилавий поликлиника мавжуд. Албатта, бу даволаш масканларида аҳоли учун яратилган имкониятларни кўриб, хурсанд бўласиз. Бирламчи тизимда умумий амалиёт шифокори ёки тор доирадаги мутахассис кўригидан ўтган бемор бола стационар шароитда даволанишга эҳтиёж сезса, марказимизда соғломлаштирилади.

Яқин кунларда энг улуғ, энг азиз байрам – Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини нишонлаймиз. Айниқса, бу йилги байрамнинг «Ягонасан, мустақил Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида нишонланиши барча юртдошларим қатори менга ҳам кўтаринкилик бағишлаб, шу юрт, шу замин учун сидқидилдан хизмат қилишдек эзгу ниятни дилимга йўллагандек бўлди. Оддийгина ҳақиқатни тан олишимиз керак: мамлакат, эли учун хизмат қилганлар асло кам бўлган эмас. Бунга ўз ҳаётим, тақдирим мисолида юз карра амин бўлдим. 2006 йилда иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган бўлсам, ўтган йили «Эл-юрт ҳурмати» орденига муносиб кўрилдим. Ахир, шифокор учун бундан ортиқ мавқе, бундан ортиқ шон-шараф борми? Албатта, камтарона меҳнатларимни муносиб баҳолаган Президентимизга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Зеро, шу азиз Ватан, шу мўътабар тупроқ барчамизники. Юртим жамолинига кўз тегмасин! Сенинг фарзандинг эканлигимдан фахрланаман.

**Орифжон ҚУДРАТОВ,**  
Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббий маркази кардиоревматология бўлими бошлиғи, II даражали «Соғлом авлод учун», «Эл-юрт ҳурмати» орденлари соҳиби.

Люблю тебя, ты дорог мне, родной мой Узбекистан!

## ЗАБОТА И ВНИМАНИЕ КАЖДОМУ РЕБЕНКУ

и детства, социально-медицинской защиты детей, дают свои высокие результаты. В частности, Постановления главы государства "О дополнительных мерах по охране здоровья матери и ребенка, формированию здорового поколения" от 13 апреля 2009 года и "О Программе мер по дальнейшему усилению и повышению эффективности проводимой работы по укреплению репродуктивного здоровья населения, рождению здорового ребенка, формированию физически и духовно развитого поколения" нацелены на укрепление семьи, воспитание молодого поколения всесторонне развитыми личностями с использованием международного опыта.

Следуя принципу "Здоровая мать — здоровый ребенок", в республике проводится целенаправленная работа по обеспечению беременных женщин поливитаминами, в которых содержатся необходимые для их здоровья микроэлементы. Важно подчеркнуть тот факт, что данный опыт не наблюдается ни в одной стране мира. Кроме этого, ежегодно 400 тысяч беременных женщин проходят оздоровительные курсы. Необходимо также отметить успешную реализацию программных мер, направленных на фортификацию муки и йодирование пищевой соли. Это позволяет кардинально снизить йодовую недостаточность у населения, что в свою очередь приводит к уменьшению случаев заболевания малокровием среди женщин детородного возраста.

Из этого следуют, что масштаб последовательных реформ по укреплению здоровья населения расширяется из года в год. Забота о человеке, обеспечение его интересов, благополучия жизни в нашей стране всегда будет в центре постоянного внимания.

Так, из года в год увеличивается объем средств, выделяемых из государственного бюджета на развитие сферы. В частности, если в 2013 году на развитие сферы из Государственного бюджета было выделено 3,4 триллиона сумов, то в текущем году ожидается, что этот показатель достигнет 4,3 триллиона сумов. В настоящее время в рамках Инвестиционной программы на 2014 год более чем в 135 региональных и республиканских медицинских учреждениях ус-

коренно проводятся строительные работы, реконструкция. На эти цели из Государственного бюджета намечено выделить 382,4 миллиарда сумов.

Только в 2013 году объем инвестиций в сферу здравоохранения увеличился в 3,8 раза по сравнению с 2010 годом. В результате было реконструировано 295 объектов медицины. Уровень оснащённости республиканских специализированных медицинских центров вырос в

— Наша надежда подпитывалась чуткостью и аккуратностью врачей, занимавшихся лечением нашей дочери, — говорит мать Мухсины Дильшоода Тураева. — Вера в благоприятный исход подвигла нас принять решение о хирургическом лечении нашего ребенка. Невероятно, но наши врачи без инвазивного вмешательства, не раскрывая грудную клетку, избавили нашу дочь от врожденного порока сердца. Как видите, неспроста

представить было сложно, — говорит кавалер ордена "Эл-юрт хурмати", главный невропатолог Министерства здравоохранения Бахтиёр Гафуров. — Сегодня с гордостью могу сказать, что кардинальное реформирование системы медицинского обслуживания в нашей стране помогло нам достичь колоссальных успехов в сфере.

Это стало возможным благодаря независимости и уделяемому главой государства

щие аналогов в странах СНГ, и оснастить их высокотехнологичным медицинским оборудованием.

В нынешнем году будут построены или пройдут капитальный ремонт ряд отделений Республиканского специализированного научно-практического центра педиатрии, клиники Ташкентского медицинского института педиатрии, 13 областных детских многопрофильных медицинских центров, 62 районных медицинских объединений и другие медико-социальные учреждения.

Все они будут оснащены современной диагностической и лечебной аппаратурой, что позволит оказывать детям специализированные высокотехнологичные медицинские услуги по международным стандартам.

Вместе с тем в результате расширения сети специализированных медицинских центров, первичных учреждений здравоохранения, в частности сельских врачебных пунктов и семейных поликлиник, повысилась доступность квалифицированных медицинских услуг для населения и прежде всего женщин и детей из сельской местности.

Можно еще долго продолжать перечень благих работ, проводимых в соответствии с Государственной программой "Год здорового ребенка".

Как отметил Президент Ислам Каримов, внимание и всемерная забота о наших детях, молодом поколении — в этом мы прежде всего видим проявление нашей веры в завтрашний день, знак огромного, непреложного уважения к нашему народу.

Осуществление данной программы, несомненно, станет очередным важным шагом к достижению основной для нашей страны цели — обеспечения прав и интересов человека.

Все проводимые в системе здравоохранения нашей страны работы означают, что ни один ребенок не останется без внимания и заботы. Самое важное, они нацелены на укрепление здоровья детей — решающей силы нашего завтрашнего дня. Одним словом, с первых лет независимости государством ежедневно, ежедневно осуществляется огромная по масштабам работа по воспитанию гармонично развитого поколения.

Все это является очередным практическим воплощением выдвинутого Президентом нашей страны жизненного принципа "Реформы не ради реформ, а прежде всего ради человека".

Фуркат САНАЕВ.



1,8 раза и достиг 91,7 процента, в частности, уровень оснащённости высокотехнологичным оборудованием составляет 82,6 процента.

Действительно, в нашей стране проводятся широкомасштабная работа во имя охраны здоровья населения. В частности, предметом особой гордости является для нас тот факт, что узбекистанские врачи успешно проводят самые сложные и уникальные хирургические операции.

**Четырехлетняя дочь проживающей в столице семьи Туревых Мухсины два года страдала пороком сердца. Ее состояние ухудшалось, и близкие семьи посоветовали отправить ее на лечение за рубеж. Но родители Мухсины не согласились. Несмотря на осознание того, что болезнь сердца причиняет боль дочери, неведомая сила — надежда — привела их в Республиканский специализированный центр хирургии.**

мы не спешили с лечением за рубежом. Безмерно благодарна нашим врачам, пусть им всегда сопутствует успех. В то время, как за рубежом такая сложная операция могла стоить нам миллионы, отечественные специалисты провели ее бесплатно. С момента операции прошел месяц. Можно сказать, моя дочь начала вторую жизнь.

Воистину восхищают мастерство и профессионализм наших врачей, своей заботой, знаниями и навыками вернувших здоровье многим семьям. Все это является результатом созданных под руководством Президента нашей страны широких условий и возможностей для развития соответствующей международным стандартам медицины.

— Я начал свою деятельность обычным врачом немногим более 43 лет назад. В те времена такие современные условия, льготы, постоянную заботу, вдохновленный труд врачей даже

огромному вниманию дальнейшего укреплению здоровья нашего народа, проводимым широкомасштабным реформам в медицинской сфере нашей страны.

Объявление 2014 года Президентом нашей страны Годом здорового ребенка стало логическим продолжением проводимой с первых лет независимости государственной политики, ориентированной на воспитание физически здорового и духовно развитого поколения.

В текущем Году здорового поколения приняты меры по дальнейшему улучшению условий для рождения здорового ребенка и укрепления здоровья детей. Намечено построить современные детские многопрофильные центры, не имею-

Все это является очередным практическим воплощением выдвинутого Президентом нашей страны жизненного принципа "Реформы не ради реформ, а прежде всего ради человека".

Фуркат САНАЕВ.

Серкуёш Ўзбекистонимизнинг кундан-кунга гуллаб-яшнаётганлиги қалбимизни янада фахр ва ифтихорга тўлдирмоқда. Мустақиллигимизнинг 23 йили мобайнида юртимизда айтишга арзигулик ишлар амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири тарих зарварақларидан ўрин олди десам, хато қилмаган бўламан. Таъкидлаш жоизки, ёш, истеъдодли, изланиш, қолаверса, билимдон ва зукко фарзандларимизнинг хорижий давлатларда ўтказилган нуфузли тадбирларда Ватанимиз байроғини баланд кўтарганликларини қувонарли ҳол. Албатта бундай ютуқларга эришиш Юртбошимиз томонидан кўрсатилган чексиз эътибор ва ғамхўр-

Фахр  
ДИЛДАГИ ЭЪТИРОФ

ликнинг ифодасидир. Истиқлолимиз шарофати билан ўтган йили камтарона меҳнатим Президентимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан муносиб рағбатлантирилиб, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочили» кўкрак нишони билан тақдирланганимдан мамнунман ва уларга чексиз ҳурматимни билдириб қоламан.

**Назира НАРМУХАМЕДОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочили.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан тиббиёт соҳасига қаратилган эътибор туфайли тизимда фаолиятлар янада ривожланиб, янгиликлар сари қадам ташланди. Ҳар бир тиббиёт муассасаси янги тиббий технологиялар билан таъминланиб, жаҳон стандартлари асосида ишлар йўлга қўйилди. Шунингдек, мураккаб даражадаги операциялар амалга оширилиб, хорижлик ҳамкасбларимиз томонидан бир неча бор эътироф этил-

ди. Қанчадан-қанча мутахассисларимиз халқаро анжуманларда иштирок этиб, ўзларининг ноёб иқтидорларини намойиш қилмоқдалар. Бундан ташқари, Президентимизнинг соҳа мутахассислари меҳнатини қадрлаб, рағбатлантираётганликлари ҳар бир тиббиёт ходими қалбини чексиз ифтихорга тўлдирмоқда. Шундай экан, 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Ўзбекистон Рес-

публикаси соғлиқни сақлаш аълочили» кўкрак нишони билан тақдирланганим билан ҳақиқат ривожда фахрланаман. Албатта, бундай рағбат касбимиз, Ватанимиз ҳамда элимизга бўлган меҳримизни янада ошириб келмоқда.

Ана шундай серкуёш ўлкада яшаётганлигимдан ва халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилаётганлигимдан ҳамда шифокорлик касбини танлаганимдан мамнунман.

**Орифжон АХМАДЖОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочили.



## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини такомиллаштириш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат “Соғлом бола йили” Давлат дастурига асосан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонунчилик палатасига киритилди.

Айтиш жоизки, ишчи гуруҳи таркибига қўйи палата депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш жамиятлари, Касаба уюшмалари федерациялари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Савдо-саноат палатаси, Тошкент Давлат юридик университети вакиллари, экспертлар киритилган.

Йиғилишда “Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишининг зарурати, унинг мазмун-моҳияти ҳамда қонун

лоийҳасини такомиллаштириш ва маромига етказиш бўйича ишчи гуруҳи аъзоларининг фикрлари, таклиф ва тавсиялари муҳокама этилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистонда жамоат саломатлигини, шу жумладан, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани яна бир маротаба қайта ўрганиб чиқиш, иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг интенсивлиги ҳамда атроф-муҳит билан боғлиқ юз бераётган глобал ўзгаришлар шароитида аҳоли саломатлиги хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Қонун лойиҳасида аҳолининг санитария-эпидемиологик

осойишталигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шу жумладан, таълим-тарбия, маданият, спорт ва бошқа муассасаларга қўйиладиган санитария-эпидемиологик, касалликлар профилактикаси бўйича талабларни, аҳоли, айниқса, болаларни эмлаш, соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, санитария меъёрлари ва қоидаларига риоя этишни таъминлашни ҳамда мактабгача, умумий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими босқичларида ўқувчиларни санитария ва гигиена асослари бўйича ўқитишга доир чоратадбирларни жорий этиш назарда тутилган.

Муҳокамалар чоғида Қонунчилик палатасидаги барча сиё-

сий партия фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи вакиллари фаол иштирок этишди ва бир қатор таклифлар билдиришди.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан қонун лойиҳасини, санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари ўртасида кенг муҳокамадан ўтказиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинди.

Шундан сўнг қонун лойиҳасини маромига етказиш ва такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳи аъзолари олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Намоз ТОЛИПОВ.

## Депутат шарҳи

## АҲОЛИНИНГ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИДА ОСОЙИШТАЛИГИ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАНАДИ

**Хабарингиз бор, куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида депутатларимиз томонидан “Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.**

Фуқаролар саломатлиги ва уларнинг бу борадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонун устуворлиги асосий ўринга эга бўлиб, бу борада соғлиқни сақлаш тизимига оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида соҳага оид 14 та қонун қабул қилиниб, босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган, яъни инсоннинг соғлом муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган, шунингдек, уларнинг саломатлигига хавф соладиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, юқумли ҳамда вирусли касалликларнинг олдини олиш масалаларини тартибга солувчи “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1992 йилнинг 3 июлида қабул қилинган эди.

Республикаимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш мақсадида давлат санитария назорати тизими яратилган бўлиб, давлат санитария назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туманлар давлат санитария врачлари бошчилик қилиб келаётган 216 та давлат санитария-эпидемиология маркази томонидан амалга ошириб келинмоқда ва ижобий натижаларга эришилмоқда.

Жорий йилнинг 9 июль куни Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди, Қонунчилик пала-

таси кенгаши қарорига асосан, Меҳнат ва ижтимоий масалалар ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталари масъул этиб белгиланди.

Қонун лойиҳаси “Соғлом бола йили” Давлат дастури I бобининг 3-бандига асосан, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шу жумладан, таълим-тарбия, маданият, спорт ва бошқа муассасаларга қўйиладиган санитария-эпидемиологик, касалликлар профилактикаси бўйича талабларни, аҳоли, айниқса, болаларни эмлаш, соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, санитария нормалари ва қоидаларига риоя этишни таъминлашнинг ҳамда мактабгача, умумий ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими босқичларида болаларни санитария ва гигиена асосларига ўқитишга доир чора-тадбирларни жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

**Албатта, таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг амалдаги “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан фарқли томонлари нимадан иборат, деган ўринли савол туғилиши табиий.**

Бунга жавобан, қонун лойиҳасида биринчи марта қонуннинг ўқилиши, амалда қўлланилишини осонлаштириш ва соддалаштириш учун санитария-эпидемиологик осойишталиқни таъминлаш соҳасидаги асосий тушунчалар алоҳида модда сифатида белгиланмоқда (3-модда). Қонун лойиҳасида аҳоли санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг асосий тамойилларини ҳамда ушбу соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш назарда тутилмоқда (4 ва 5-моддалар).

Аҳолининг санитария-эпиде-

миологик осойишталиги соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш ҳамда унинг асосий йўналишларини белгилаш, соҳага оид давлат дастурларини тасдиқлаш ва амалга ошириш, давлат назоратини олиб боришни ташкил этиш ва шунга ўхшаш бошқа ваколатлар Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига киритилмоқда (6-модда).

Қонун лойиҳасида, ушбу қонуннинг ижро механизмининг таъминловчи санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормаларига алоҳида модда ажратилиб, унинг таърифи берилмоқда (7-модда).

Ушбу қонун лойиҳасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Қонундан фарқи шундан иборатки, аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлаш соҳасида юридик ва жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларга санитария-эпидемиологик осойишталиқнинг таъминланишида мажбуриятлар билан биргаликда ҳуқуқлар ҳам белгиланмоқда (3-боб 8-12-моддалар).

Тақдим этилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда, қонун ташаббускори субъекти ушбу масалага жиддий ёндашган ва аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлаш соҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқларига алоҳида 12-модда ажратилган.

Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлаш маълум бир талаблардан иборат бўлиб, ушбу талаблар қонун лойиҳасидаги 4-бобда белгиланмоқда.

Унда техник тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқувчиларга, ер участкасини танлашга, объектларни режалаштириш, лойиҳалаш, қуришга, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, кимёвий ва

биологик моддаларни утилизация қилиш ва зарарсизлантиришга, озик-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, ҳўжалик-ичимлик суви таъминотида қўйиладиган, таълим ва тарбия шароитларига, меҳнат шароитларига ҳамда касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олишга, соҳага оид талабларни махсус экспертизадан ўтказишга доир санитария-эпидемиологик талаблар белгиланмоқда (13-23-моддалар).

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудини санитария жиҳатдан муҳофаза қилиш, профилактик эмлашлар ўтказиш, дезинфекция тадбирлари, мажбурий тиббий кўриклар ҳамда фуқароларни гигиеник тарбиялаш ва ўқитишга қаратилган эпидемик ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган алоҳида янги 5 боб киритилмоқда (24-29-моддалар).

Қонун лойиҳасининг 6-боби “Давлат санитария назорати” деб номланмоқда ва унда Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар, мансабдор шахслар, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитар врачлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг бош давлат санитария врачлари ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳамда уларнинг ҳаракати ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш ҳамда ушбу мансабдор шахслар фаолиятининг асосий кафолатлари, улар фаолиятига аралашушга йўл қўймаслиги ҳақидаги талабларни белгилаш назарда тутилмоқда (30-39-моддалар).

Қонун лойиҳасининг 7-боби якунловчи моддаларга бағишланган бўлиб, мазкур бобнинг 43-моддасида, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан айрим қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотишига бағишлан-

ган. Ушбу моддага асосан, қонун ва қонунларнинг баъзи бир моддалари ўз кучини йўқотмоқда.

**Қонун лойиҳаси 7 та боб, 45 та моддадан иборат бўлиб, унда бир қатор муҳим нормалар ҳам мавжуд.**

Қўмита қошида тузилган ишчи гуруҳи томонидан қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилингандан сўнг, уни иккинчи ўқиш муҳокамасига тайёрлаш жараёнида қонун лойиҳасида назарда тутилган муҳим нормаларнинг мавжудлиги ёки ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши юзасидан қўшимча маълумотлар берилиши назарда тутиляпти.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда соҳага оид халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрлари ҳисобга олинган, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия Федерацияси, Беларусь ва Қозғистон каби давлатлар тажрибаси ўрганилган.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партия фракциялари, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, юридик ва қўмиталар билан ишлаш бўлимларидан қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосалари олинди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, Президентимиз томонидан тасдиқланган “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда, аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш учун қўйилган вазифаларнинг тўлақонли рўёбга чиқишида муҳим аҳамиятга эга.

**Нурия АЙТЖАНОВА,**  
**Олий Мажлис**  
**Қонунчилик палатаси**  
**депутати.**

## Ҳамкорлик ришталари

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ  
— ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Яқинда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида вазирлик ҳузуридаги Аналик ва болаликни муҳофаза қилишни мувофиқлаштириш бўйича Кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Европа Иттифоқи ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш. 2-фаза” лойиҳасининг фаолияти муҳокама этилди. Йиғилишни Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Лазиз Тўйчиев олиб борди.



Фарзанд соғлиги аввало ота-онанинг саломатлиги, оилада яратилган муҳит, оила маънавияти, дунёқараши, зиёлилиги ҳамда савияси билан чамбарчас боғлиқ. Соғлом оила – соғлом фарзанд, соғлом жамият демакдир. Шу боис, юртимизда ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, соғлом оила қуриш маданиятини шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш, ёшларни никоҳга тайёрлаш, оилада соғлом фарзандлар дунёга келишига эришиш, уларни жисмоний ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш соҳасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш. 2-фаза” лойиҳаси доирасида бажарилган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

– Лойиҳанинг асосий мақсади соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, имкониятларини кенгайтириш, оналар ва болалар соғлигини сифатли ҳамда узлуксиз муҳофаза қилишга қаратилган, – дейди лойиҳа раҳбари **Дмитрий Максименко**. – Бунда биз асосий эътиборни Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бирламчи, иккиламчи, шунингдек, учламчи бўлишида шифокор ҳамда ҳамшираларнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар, бу жараёнда халқаро стандартлардан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларини оширишга қаратдик.

Йиғилишда таъкидланганидек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг кўмаги билан Наманган вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш учун синов сифатида белгиланди. Лойиҳа ушбу синов ҳудудларидаги тиббиёт ходимлари ўртасида тажриба алмашиш ва миллий миқёсда мулоқот-

ни ташкил этиш орқали Соғлиқни сақлаш вазирлигига оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича илғор амалиётни оммалаштиришда кўмаклашмоқда.

Шунингдек, лойиҳа ёрдамида ҳудудларда 13 та ўқув маркази ташкил этилган ва 40 минг нусхадан ортиқ ўқув материаллари билан таъминланган. Ўқув материаллари жисмоний ўсиш ва ривожланиш, жамоа, бирламчи соғлиқни сақлаш тизими ва касалхоналар даражасида болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш, маҳалларда болаларни парвариш қилиш кўникмаларини ўзгартириш, кўкрак сути билан боқиш ва болаларга дўстона муносабатдаги касалхоналар ташаббуси, чақалоқлар реанимацияси, чақалоқларни парваришлаш, неонатал жиҳозлардан фойдаланиш, самарали перинатал парвариш, соғлиқни сақлаш тизимини бошқаришга қаратилган.

Бугунга келиб 13 та ўқув марказида 6723 нафар соғлиқни сақлаш ходими (4808 шифокор, 1443 ҳамшира ва 742 нафар акушер) ўз билимини оширди. Лойиҳа тиббиёт олий ўқув юртлари магистратураси дастурига чақалоқларни парваришлаш бўйича модулларни киритди ва 350 дан зиёд Ўзбекистондаги тиббиёт институти педагогик кадрларнинг малакасини оширди.

Йиғилишда қайд этилганидек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи ўзаро ижтимоий ҳамкорликда амалга ошириладиган муҳим вазифадир. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар кўмитаси бу мақсаднинг рўёбга чиқишида ҳамкор ташкилот саналади. Шунинг учун маҳалла фуқаролар йиғинлари етакчилари, фаол хотин-қизлар ҳам лойиҳани амалга ошириш жараёнига жалб этилди.

**Аналик ва болаликни муҳофаза қилишни мувофиқлаштириш бўйича Кенгаш йиғилиши давомида бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди ҳамда Кенгашнинг иккинчи ярим йилликдаги иш режаси тасдиқланди.**

Шунингдек, мазкур ҳафта пойтахтимиздаги ЕХРО меҳмонхонасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ ва Европа Иттифоқи томонидан Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг (GIZ) “Марказий Осиё – Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш” ҳудудий дастури билан биргаликда “Ўзбекистон Республикасида тиббий ёрдам сифатини узлуксиз ошириш йўллари” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир мамлакатда оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилашга қаратилган бўлиб, “Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш. 2-фаза” лойиҳаси доирасида ўтказилди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари, ЮНИСЕФ, Европа Иттифоқи, GIZ вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бош бошқармалари ўринбосарлари,

1998 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган, тиббиёт тизимида кенг қамровли ислохотлар амалга оширила бошланди. Хусусан, барча тиббиёт муассасалари қайта қурилди, реконструкция қилинди, тиббий хизмат сифати тубдан ошди. Умуман олганда, бугунги кунга келиб мамлакатимизда тиббиётнинг янада такомиллашиши ва ривожланиши учун барча ҳуқуқий ва моддий асослар яратилган.

Семинарда таъкидланганидек, “Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш. 2-фаза” лойиҳаси ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Фарғона, Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятларида, Тошкент шаҳрида ва Қорақалпоғистон Республикасини қамраб олган ва шу орқали оналар ҳамда болаларга миллий

умумий вазифаси, юртимизда инсон саломатлигига ҳисса қўшишдан иборат бўлиб, бунда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган, – дейди **Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бош бошқармаси оналик ва болалик бўйича ўринбосари Абдор Бозоров**. – Шунинг учун лойиҳа доирасида вилоятимиз бирламчи бўғин тиббиёт муассасаларини биринчи баҳолашдан ўтказдик. Ўрганиш натижаларини таҳлил қилиб, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этишга ҳаракат қилдик. Туғруқхона, болалар амбулатория-поликлиникалари, ҚВП ходимлари бир неча йўналишда ўқитилди. Натижаларимиз эса албатта, ижобий. Бугунги семинарда даволаш-профилактика муассасаларини ташқи баҳолаш масаласи эътиборимизни тортди. Чунки бу баҳолашда тиббий хизмат сифати, мутахассис малакасигина эмас, балки тиббиёт муассасасидаги электр, ичимлик суви таъминоти, бинонинг ҳолати, жиҳозлар билан таъминланиш масалалари ҳам эътиборга олинади.

– Лойиҳа оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича хизматлар сифатини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир, – дейди **Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани бош акушер-гинекологи Муҳаббат Юсупова**. – Биласизки, лойиҳа оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича хизматларнинг сифатини оширишда комплекс тизими ишлаб чиқишини ҳамда сифатни ошириш стан-



туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси ходимлари, халқаро экспертлар иштирок этишди.

Семинарни Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Лазиз Тўйчиев очиб берди. Унинг қайд этишича, айни пайтда мамлакатимизда “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок юртимизда “Соғлом она – соғлом бола” масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Шу боис, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги жорий ислохотларни такомиллаштириш, она ва бола саломатлигини юқори даражада сақлаб туришга эришиш энг муҳим вазифага айланганлигини алоҳида таъкидлаб, бу каби мақсадларга йўналтирилган турли лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда олиб борилаётган соғлиқни сақлаш хизматлари халқаро стандартларга мувофиқ бўлиши таъминланаётганлигига ҳам урғу берилди.

– Истиқлол йилларида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида жуда катта салмоқли ишлар амалга оширилди, – дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор **Дамин Асадов**. – Бинобарин, аҳоли саломатлигини сақлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг асосини ташкил эта-



миқёсда сифатли тиббий хизмат кўрсатилиши таъминланмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ ва Европа Иттифоқи томонидан Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг (GIZ) “Марказий Осиё – Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш” ҳудудий дастури билан биргаликда ўтказилган амалий семинар доирасида бир қатор маърузалар тингланди. Жумладан, Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мисолида тиббий хизматлар сифати, шунингдек, тиббий ёрдам сифатини ташқи баҳолаш каби мавзуларда қизиқарли маълумотлар берилди.

– “Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш. 2-фаза” лойиҳасининг

дартлари ва тартиб-таомиллари жорий қилинишини қўллаб-қувватлайди. Соғлиқни сақлаш тизимини кучайтириш бўйича мазкур тадбирлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмагида Қорақалпоғистон Республикасида синовдан ўтказилмоқда. Бу борада ижобий натижаларга эришмоқдамиз. Бундай ҳамкорлик оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишидаги саъй-ҳаракатларимизни янада яхшилаш ва такомиллаштиришнинг тақозо этади.

**Семинар якунида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, долзарб мавзулар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.**

**Элмурод ЭГАМКУЛОВ.**  
**Суратлар муаллифи**  
**Анвар САМАТХОДЖАЕВ,**  
**Жасур ЖАЛИЛОВ.**



## 2014 йил – Соғлом бола йили

## ЖИСМОНАН, РУХАН ВА МАЪНАВИЙ РИВОЖЛАНИШ

**Мактабгача таълим муассасаси узлуксиз таълимнинг илк бўғини ҳисобланиб, бу босқичда бола кичик ёш давридан катта гуруҳ сари қадам босади, ҳар томонлама – жисмонан, руҳан ва маънавий ривожлантирилади. Шундан сўнг боланинг умумий ўрта таълим жараёнидаги фаолияти бошланади. Мамлакатимизда 4950 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, 581 минг 539 нафар болани ҳар томонлама соғлом ривожлантириш имкониятлари ишга солинмоқда. 51 минг 928 нафар педагог уларнинг таълим-тарбиясига жалб қилинган бўлиб, бундан ташқари кичкинтойлар саломатлигини доимий назорат қилиб борадиган умумий амалиёт шифокори ҳамда тиббиёт ҳамширалари ҳам фаолият кўрсатяпти.**

Пойтахтимиздаги Ҳамза туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 203-“Кичкинтой” номли мактабгача таълим муассасасида “Болажон” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига жиддий эътибор қаратилиб, бунинг учун мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилмоқда. Ҳафтанинг 5 кунли мобайнида эрталабки соат 7 дан бошлаб кичкинтойлар ота-онаси, опа-акаси, бува-буваси ҳамроҳлигида ўз қадрдон масканларига кириб келар экан, боғча опалар уларни илиқ ва самимий қарши олишади. Ҳали жойлашганига кўп вақт бўлмаган болакайлар хархаша қилишса, тарбиячи ва анагалар уларни бисотидаги энг ширин сўзлар билан эркалаб бағрига босади.

– Муассасамизда 215 нафар турли ёшдаги ўғил-қизларни жисмонан, руҳан ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилади, – дейди тиббиёт ҳамшираси Зухра Йўлдошева. – Эрталаб боғчага кириб келган бола филтрдан ўтказилади, яъни унинг эғни-боши, юз-қўзи, сочи, тирноғини кўздан кечирамиз. Тана ҳарорати йўқми, уни бирор нарса безовта қилмаяптими, ота-онасидан ҳеч қандай шикоят бўлмагачина уни гуруҳ тарбиячиси қабул қилиб олади. Шу тариқа 8 та гуруҳда эрталабдан бошлаб соғломлаштириш ва тарбия жараёни бошланади. Икки ёшга қадар турли касалликларга қарши деярли эмлаб бўлинган болаларни кўпроқ гижжа касалликлари безовта қилгани боис, оналарига вақти-вақти билан уларнинг ахлатини топширтириб, даволаш тадбирлари қўлланади. 31-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори Гўлчеҳра Расулова белгиланган кунда бу ерга келиб, тарбияланувчилар соғлигини кўриқдан ўтказиши. Муассасамиздаги соғломлаштириш жараёни гуруҳ хоналари, ошхона, ҳожатхона, ҳовлининг саранжом-саришталиги, тоза-


озодалиги билан боғлиқдир. Гуруҳ хоналари ҳар кун болалар уйига кетиши билан хлорамин эритмасида артиб чиқилади. Ҳожатхона буюмларини ҳар бир гуруҳ санитаркаси зарарсизлантиради. Қўл ювишда суюқ совундан фойдаланилмоқда. Ўрин-кўрпа чойшабларини икки ҳафтада алмаштириб турамыз.

Ҳар бир мактабгача таълим муассасасида бўлгани каби бу ерда болани соғломлаштириш жараёнидан ташқари унинг маънавий дунёсини бойитиш кун тартибидеги асосий масалалардан бирига айланган. Бу ҳар бир гуруҳ тарбиячисининг фаолияти билан юзага чиқарилади. 8 нафар тарбиячи мутахассислик маълумотига эга бўлиб, уларнинг ҳар бирида бола ёш даражасига кўра белгиланган ўқув предметлари бор. 2 та ясли гуруҳида кўпроқ ўйин машғулоти ташкил қилинса, иккита кичик ва ўрта гуруҳда бола оддий элементлар воситасида атроф-олам билан таништирилади, унда илк тушунчалар шакллантирилади.

#### Иккинчи кичик гуруҳ тарбиячиси Дилфуза МУРОТОВА:

– Гуруҳимда 34 нафар бола билан шуғулланаман. Эрталабки филтрлаш жараёнидан сўнг улар билан нонуштага қадар бадантарбия машқларини олиб бораман. Ҳозир ёз, шунинг учун жисмоний машқларни ўз майдончамизда амалга оширамиз. Ҳаво совуқ пайтда гуруҳ хонасида албатта бадантарбия машқларини бажарамиз. Сабаби, аксарият болаларда иштаҳасизлик кузатилади, овқат емагач, унда ланжлик, инжиқлик бошланади. Жисмоний машқнинг камида 6 та турини 5 мартадан такрорлаган бола сарфлаган энергиясини қоплаш учун ўз-ўзидан овқатлангиси келади, у тенгқурига қараб ўзини ростлайди, ундан яхшироқ бажаришга интилади. Сакраш, юриш, нафас олиш ва чиқариш, қўл, оёқ, елка, тизза, бўйин машқларини ҳар кун бажариб борган боланинг иммун тизими ҳам мустаҳкамлана боради. Оддийгина бадантарбия машқла-

рининг нафақат бола саломатлиги учун, балки маънавий дунёсини оширишдаги ролига ҳам тарбиячи сифатида амин бўлиб келяпман. Бундан ташқари, гуруҳ тарбияланувчилари билан тасвирий санъат, аппликация, мусиқа, атроф-олам билан таништириш бўйича 30-35 дақиқалик машғулоти ташкил қиламан. Тасвирий санъатда бола ўз тасаввурдаги нарсаларни чизишга ўрганса, аппликацияда рангларни фарқлашга, қоғозни қирқиб буюм ясашга малака ҳосил қилади. Мусикий машғулотида унга қўшиқ ва куй ҳавола этилади, рақсга тушиш ўргатилади. Қайси машғулоти тури бўлишидан қатъи назар, бола ақлий, руҳий, жисмоний, эстетик жиҳатдан ривожланти-



рилиб, кейинги босқич – ўрта гуруҳга узатилади. Бу ерда боланинг психофизиологик даражаси инобатга олиниб, “Болажон” Давлат дастурида белгиланган билим, кўникма ва малака меъёрларини эгаллашига имконият яратилади. Сўнгга у тайёрлов гуруҳида умумтаълим жараёнига тайёрланади.

Ўз дилбандини мактабгача таълим даргоҳига қузатган ота-она кўнгли тўқ бўлиб, ишга ёки ўқишга отланади. 203-мактабгача таълим муассасасида кечга қадар ўз фарзандини қолдирадиган ота-оналар бу ерда боласи учун ташкил қилинадиган барча ҳўжалик, тиббий санитария, соғломлаштирувчи тадбирларга гувоҳ бўлиши мумкин. Муассасада тарбияланувчиларнинг овқатланиши рационини ташкил қилишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 1 июлдан амалиётга татбиқ қилинган “Мактабгача таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш меъёрлари тўғрисида”ги буйруғига

риоя этилади. Ушбу буйруқда боланинг бир кунлик ўртача истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари қатъий таркиби ва миқдори белгиланган. Бунга кўра, 2 ёшгача бўлган бола 80 гр. нон, 500 гр. сут, 180 гр. мева-сабзавот, 120 гр. картошка, 60 гр. гўшт, 12 гр. сариеғ, 35 гр. шакар, 3 гр. пишлок, 40 гр. творог 5 гр. сметана истеъмол қилиши керак. Икки ёшдан ошиб, 7 ёшгача бўлган болалар учун айнан шу озиқ-овқат хилларининг миқдори 30-40 граммдан оширилади.

#### Дилноза ИСЛОМОВА, муассаса мудираси:

– Боланинг овқатланиш рационини тўғри белгилаш учун гўшт, сут, парранда, мева, сабзавот маҳсулотлари келтирилиб, улар тановулдан олдин тозаланади, термик ишлов берилади. Таомнома тузишда кўпроқ ўзимизда етиштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларидан фойдаланишга эътибор берамиз. Нонуштада кўпроқ сутли бўтқа, тушлиқда салат, суюқ-қуюқ таом,

мева-салат компот тортилади. Айрим болаларда иштаҳасизлик кузатиладики, буни бартараф этиш учун улар билан ҳаракатли ўйин, сайр амалга оширилади. Айни пайтда муассасамизда меҳнат қилаётган техник ходимлар ҳўжалик характеридаги юмушларни ўз вақтида уйдалаб келмоқдалар. 3 нафар ошпаз, 2 нафар санитарка, 3 нафар қоровул, умуман, барча ходимлар даврий тиббий кўриқдан ўтказилади. Боғча ҳовлиси ҳар кун супуриб-сидирилади, гул ва дарахт қўчталари доимий парваришда. Баҳорда очик майдонларга 100 туп атиргул, 30 туп меваги ва манзарали дарахт қўчталарини ўтказдик. Ҳар бир гуруҳ ўз ўйин майдончасига эга бўлиб, у зарурий воситалар билан жиҳозланган. Ҳар бирида кум тўкилган бурчак бор. Бу ерда тарбиячилар бола билан турли ўйинлар воситасида уларнинг қўл моторикасини ҳам ривожлантирадилар.

Мана, ёзнинг ҳароратли кунлари давом этмоқда. Тиббий-педагогик жиҳатдан айтсак, ҳозир ёзги соғломлаштириш мавсумидир. Барча МТМ-ларидаги сингари 203-болалар боғчаси ҳам бу мавсумни соз ўтказаяпти. 5х3 ҳажмдаги сув ҳавзаси тозаланиб, таъмирланган. Барча гуруҳларда соғломлаштирувчи тадбирлар сайр, чўмилиш, соат 11 га қадар қуёшнинг ультробинофаша нурини қабул қилиш, ўйин каби босқичлар билан амалга оширилади. Бола чўмилишдан аввал ва кейин душ қабул қилади. Шу тариқа ёз фаслининг ҳароратбахш кунлари орқали ҳар бир кичкинтой соғломлаштирилади.

**Хулқар КУЗМЕТОВА.**  
Суратлар муаллифи  
**Жасур ЖАЛИЛОВ.**

## Тадбир

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида ҳамда мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Фарғона вилоят бўлими тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳи мутахассислари вилоят туманларида бўлишиб, бу ердаги оналар ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказдилар.**

Фарғона туманидаги “Чимён” шаҳарча фуқаролар йиғинида ташкил қилинган бундай

тадбирда аёллар ва болалар тиббий кўриқдан ўтдилар, уларга мутахассислар томонидан зарур тавсия ва маслаҳатлар, бепул дори-дармонлар берилди. Такдим этилган байрам совғалари – аравачалар, қўлтиқтаёқ ва ҳассалар имконияти чекланган кишиларнинг севинч ёшларига сабаб бўлди. Шунингдек, меҳнат фахрийла-

ри бўлган отахону онахонларга санаторийларга бепул йўлланмалар такдим этилди.

Тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳи мутахассислари Қўштепа туманидаги “Лангар” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 8-сонли мактабгача таълим муассасасига ҳам ташриф буюришди. Муассасадаги 70 нафар болажон тиббий кўриқ-

дан ўтказилиб, уларга гигиеник воситалар, витаминли ичимликлар ва дори дармонлар тарқатилди.

Шунингдек, тумандаги “Одилхўжаев Шер Илҳом” фермер ҳўжалиги дала шийпонида ҳўжалик аъзолари Қўштепа тумани тиббиёт бирашмаси шифокорлари ва патронаж гуруҳи томонидан тиббий кўриқдан

ўтказилди. Мутахассислар репродуктив саломатлиқнинг аҳамияти, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, чекишнинг зарарли оқибатлари, эрта турмуш қуриш ва қариндошлик никоҳларининг аянчли натижалари ҳақида батафсил тушунча ва маълумот беришди.

Худди шундай тадбир тумандаги “Боғишамол” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам давом эттирилди.

**Мухаммадjon МАХМУДОВ,**  
меҳнат фахрийси.



## Шифокор ён дафтарида

## ҚУВОНЧДАН ЁШЛАНГАН КЎЗЛАР...

**Дунёга келдинг, мурғак қизалоқ,  
Усиб, улгайгин, бахтингни берсин.  
Биз бир сабабчи инсонмиз, бироқ,  
Оллоҳ, илоҳим шифосин берсин.**

**Онанг яшамокда бағрини тилиб,  
Хаёт ташвишлари у ёқда турсин.  
Сенинг дардингга бардошли бўлиб,  
Оллоҳ, илоҳим шифосин берсин.**

28 июнь. Қуёш оловини пуркаган, ҳаво айни исиб, кишининг салқин хонадан ташқарига чиққиси келмайдиган ёз кунларидан бири. Аммо, ҳаёт қизгин давом этмокда. Одамлар ҳаракатда.

Одатдагидек, шифокорлар эрталаб ўз иш жойларига келаркан, беморлар уларни кутиб, кўзлари тўрт бўлиб ўтирарди.

Соат 8.00. Ходимлардан бирининг баланд овозда: “Мажлис вақти бўлди”, деган қақриғи эшитилди.

Ҳамма ўз ўрнини эгаллади. 8-10 дақиқа давомида йиғилишда навбатчилик жараёнида беморларнинг аҳоли тўғрисида ахборот берилди. Ҳисобот якунига етар-етмас, эшик олдида турган ходимлардан бири келиб: “Азизбек, сизни сўраб икки аёл келишибди. Маслаҳатли иши бор экан”, деди.

Биласизми, бундай гапларни эшитганда инсон жуда гурурланиб кетади. Қалбим алланечук бўлиб, улар томон ошиқдим. Ахир, мендек, эндигина клиник ординатуранинг иккинчи босқичини тамомлаётган, юксак чўққиларни кўзлаб, устози ортидан илм сари олға қадам ташлаётган 27 ёшли интилувчан йигит учун бу улкан ифтихор.

Дадил-дадил қадам босиб, шижоат билан бўлим эшиги олдида яқинлашарканман, икки қўлида халта кўтариб олган, қайноналарга хос савлатга эга, ёшлари улғу, бир умр меҳнат қилиб яшаган захматкаш аёл, иккинчиси эса ҳаёт ташвишларидан эзилган, қўлида ҳали онанинг бағридан ажралишни истамаган фарзандини юпатишга уринаётган бир “муштипар онаизор” турарди.

Юрагим эзилиб кетди. Сездирмасликка ҳаракат қилиб, улар билан саломлашдим: “Ассалому алайкум. Келинлар, мен Азизбекман, нима хизмат?”, дедим.

Шунда фарзандли аёл шоша-пиша рухсат сўрагандек бўлиб, ёнидаги шеригига бир нигоҳ ташлади-да, менга қараб:

– Биз Фарғонадан келдик. Сизга учрашишимизни айтишганди, – деди.

Унинг овозидаги ҳазинлик ҳар қандай дийдаси қаттиқ, юраги тош инсонни ҳам бир бора ўйланишга ундарди. Мен аёлнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, унга далда бўлсин деган мақсадда самимий гапира бошладим:

– Биздан нима ёрдам керак, тортинмай айтаверинг, қўлимиздан келганича ёрдам берамиз, – дедим.

Нима демоқчилигини билиб, келиннинг ёнидаги онахон:

– Бизни домла Жуманазар Бекназаровга юборишди. Фарғонадаги шифокорлар сизларга учрашишимизни айтишди. Илтимос, бизни домла билан учраштинг, – деди шошибгина.

– Майлику-я, ҳозир домла меҳнат таътили билан сафарга кетгандилар. Ичкарига қиринглар, узоқ йўлдан ҳориб келибсизлар, батафсил гаплашамиз, – дея уларни шифокорлар хонасига бошладим. Хонада Муҳибилло исмли домланинг тажрибали шогирди ўтирарди. Бу мен учун айни муддао эди:

– Муҳибилло ака! Домлага Фарғонадан бемор юборишибди, маслаҳатингиз зарур, – дея илтимос қилдим.

Муҳибилло ака “Олиб келинг-чи!” деди. Онахон билан аёлга қараб, қиринглар опа, деб ўрнимдан турдим. Она хонадаги стулга ўтирар экан, қизалоғи дардига даво топилагандек ғамгин юзига илиқлик югуриб, шифокорга қаради.

– Эшитамиз, нима гап? Қизалоқни нима безовта қилаяпти, – деди Муҳибилло ака.

– Қизим 9 ойлик, ўзи пешоб қила олмайди, ичини ҳўқна қилиб келтираман, – аёл фарзандини бағрига босиб, йиғламоқда сўзлади.

– Қачондан буюн шундай? – дея аста-секинлик билан касаллик сабабини тамомила билишга киришди Муҳибилло ака.

– 4 ойлигида Фарғонада орқа мия чуррасини операция усули билан олиб ташлашган. Ўшандан сўнг сийдик тутилиб қолиши касаллигига учради, – деди онаси.

Шифокор қизалоқнинг ҳолатини тўлиқ билиши учун саволлар беришда давом этди:

– Қанақа текширувлардан ўтказдингиз?

Аёл докторнинг саволига жавоб тариқасида сумкасида бир талай қоғозларни чиқарди:

– Ҳамма текширув натижаларини олиб келганман. Мана, кўринг-чи, доктор. Фарғонадаги докторларнинг айтишича, сийдиги буйрагига қайтиб чиқаётган экан. Чораси бормикан деб шу ергача келдик, – дея шифокорнинг кўзларига термилди онаизор.

Муҳибилло ака синчковлик билан рентген тасвирлари ва текширув қоғозларини бирма-бир кўриб чиқди-да, тасвирдаги маълумот ноаниқлигини тушуниб, менга қаради:

– Қизчани цистогарамма текшируви қилиш керак, Азизбек!

Муҳибилло аканинг нима демоқчилигини дарҳол тушундим:

– Ҳўп бўлади, ака. Бугун бажарамиз, – дедим-да аёлларга юзландим. Шуни кутиб тургандек онахон оғзини тўлдириб, нафаси бўғзига тикилиб, гапира кетди:

– Азизбек! Текширув шу шифохонанинг ўзига қилинадими? – Шошибгина сўзлаётган онахоннинг ҳамма ташвишлари англадим-да, хотиржам қилиш учун қандай ёрдам керак бўлса, улар билан бирга эканлигимни айтдим.

– Майли, Азизбек, биз пастда бўламиз, – деб, икки аёл хонадан чиқди. Аёллар билан суҳбатлашиб, бемор қизалоқ ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдим.

Мадинахон исмли бу қизалоқ 4 ойлигида орқа мия чурраси операциясини бошидан ўтказган. Шундан сўнг у ўзи мустақил на пешоб қила олади, на ичи келади. Яхшиямки, тоғдай бардошли онани яратган экан. Ҳаёт ташвишларидан эзилган аёл қизалоғини ўзи ҳўқна қилдириб, ичини келтирар, кечаси ухлаб ётган пайтида бирдан чинқираб қорнини ушлаб йиғлашини ва бу ҳолатда қовуғига сийдик чиқариш мосламаси (катетер)ни қўйиб, қизалоғини сийдиришини куюниб гапирди. Она қайта-қайта ҳар сўзининг орасида: “Азизбек, қизимни даволаса бўладими, айрим шифокорлар даволаб бўлмайди, умр бўйи шу ҳолатда қолади, дейишяпти. Шу гап ростми”, дея сўрайверишидан юрагим безовта бўларди. Уларни тинчлантиришга уринардим.

– Шошилманглар, текширув натижаларини кўрайлик, кейин сизнинг саволларингизга жавоб бера оламан. Хафа бўлманг, опа, Худойим суйган бандасига дард беради, давосини ҳам ўзи беради, албатта, – дедим бошқа гап топа олмасдан.

Қизалоқни рентген столига ётқизар эканман, бечора юзида кўрқув билан онасига интилиб: “Онахон мени бу ердан олиб кетинг”, дегандек, йиғлай бошладим. Қизалоқнинг кўзларидаги мунг, овозидаги ингрок, унинг дарди нечоғлик азоб бераётганлигини яна бир бор исботлаб турарди.

Жараён тугади. Текширув хулосасига кўра, ўнг томонда пешоб қовуқдан буйракка қайтиб чиқиб бораётгани аниқланди.

Ташхис аниқ! Қандай даво қилиш керак?! Бу муаммони фақат домла ҳал қила

оларди. Бироқ у киши хизмат сафари билан Хоразмга кетган.

Онаси эса ҳар лаҳзани ганимат билиб, тезроқ фарзандини бу азоблардан қутқаргиси келарди, шу боисми, такрор-такрор таъкидласам ҳам, бир саволни қайтараверарди: “Азизбек, домла қачон келадилар?”...

Бу интиқлик беғубор, ҳали яшашнинг таъмини тўла татиб кўрмаган, ҳаётга ташналик билан қараётган мурғак қизалоқнинг тақдири учун кураш эди.

Ҳа, уларга албатта, ёрдам бериш керак. Қизалоққа ҳаёт бахш этиш зарур. Шу боис Муҳибилло ака билан узоқ маслаҳатлашиб, маълум вақт муолажа қилиш кераклигини айтдик. Икки аёл хурсанд бўлганича айтилган фурсатда келамиз дейишиб, шифокорлар хонасидан хайрлашиб чиқиб кетишди.

**Орадан 4 ой ўтди.** Куз. Ҳар кунгидек менга бир нечта телефон қўнғироқлари бўларди. Беморлар домлани қаердан топиш кераклигини сўрарди. Ҳар бир қўнғироқдан бу ҳаётда кимгадир керак бўлиб яшаш нақадар буюк саодат эканлигини англардим. Қалбим мен изидан бораётганим – устоз Жуманазар акага ўхшагим келарди.

Мана, яна бир телефон қўнғироғи, лекин бу овоз бошқаларникидан фарқли. Жуда ғамгин, дардли, кўнгли тўлиб турган аёлнинг овози.

– Мен Фарғонадан телефон қиялман. Мадинахоннинг аясиман.

Аваллига танимадим, сўнгга эсладим. Ҳол-аҳвол сўрадим. Аёлнинг турмуш ўртоғи жигар касаллиги билан оламдан ўтганини, шу сабабли белгиланган вақтда келиш имкони бўлмаганини изтироб билан сўзларди.

– Майли, опа, Худо дадасининг умрини сизга ва фарзандларига қўшиб берсин!

Аёлнинг сўзларини сабр билан тингладим-да, тасалли бериб, домланинг қабулига келаверишини айтдим.

\*\*\*

Сийдик чиқариш мосламаси (катетер)ни олиб ташлаганимда, бемор бир кун сиймади, учрашганимизда аёл қизалоқнинг ҳолатини тушунтира бошлади.

– Чинқираб йиғлаб, иссиғи тушмади. Шифохонага олиб бориб яна сийдик чиқариш мосламаси (катетер)ни қўйдирдим. Бошқа иложим бўлмади.

Аёл сўниб бораётган шамдек сўзларди. Аммо ишонардемки, у тортган изтиробларининг рағбатини олади. Шамдек эриб борса-да, унинг шуъласини сақлаб қолишимиз кераклигини, ана шу ёғду билан у келажакда фарзандларининг йўлини ёритишини ҳис этардим. Ички бир куч билан ҳаёт майдонида – курашга отландим.

Қизалоқни қайтадан текширишга қарор қилдик.

Домла текширув натижаларини синчиклаб ўрганиб, пешоб ўнг томонда қовуқдан буйракка қараб чиқилиши ва қовуқдан пешоб чиқиш йўлида тўсиқ борлигини тушунтирди. Операциядан бошқа чора йўқлигини, дорилар билан даволаб бўлмаслигини айтди...

\*\*\*

**Орадан 14 йил ўтди...**

2014 йил. Ҳароратли кунлардан бири. Хизмат сафари билан Фарғона вилоятидаман. Айтганларича бор экан, водийнинг ҳавоси ўзгача ёқимли. Юмшоқфеъл одамлари шинаванда. Хуллас, беморларни текширувдан ўтказаяпман-у, худдики, дам олаётган инсондай завқланыпман. Кайфиятимни яна бир ҳодиса янада ўзгартириб юборганини айтмасам бўлмайди.

Ҳа, халқимиз топиб айтади: “Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади”.



Қабулимга бир аёл 14-15 яшар қизи билан келди. Она ёнидаги қизига: “Кел қизим, кира қол, сени операция қилган докторинг келибди!” дея хурсандчилик билан ичкарига бошлади.

– Ассалому алайкум, Азизбек! Бизни танияпсизми? Қизим Мадинахонни эслай олассизми!

Уларга ажабланиб қараб турганимни кўриб, аёл сўзида давом этди:

– Чақалоқлик пайтида домла билан Тошкентда операция қилгансиз. Жуда оғир аҳволда эди.

Уларга термулиб, хотиралар жонлана бошлади. Йиллар ортага қайтди. Вақтнинг шиддат билан ўтишини қаранг. Мадина кап-катта қиз бўлибдику. Унинг соғлом буй-бастини кўриб, лабимга табассум югурди:

– Сиз, ўшам, – беихтиёр ҳазиллашгим келди улар билан.

Аёл бирдан хандон отиб кулиб юборди. Шунча йилдан буюн... Унинг неча бор ғамгин қиёфасини кўравериш, бу кулишлар худдики вулқон отилгандек хонани ларзага келтирди.

– Азизбек, ҳаммаси яхши! Зўр! Сизнинг келганингизни эшитиб, раҳмат айтиш учун келдик. Касаллиқнинг давоси йўқ, дейишганди айрим шифокорлар. Мана дунёда мўъжизалар ҳам бўлар экан-ку. Операциядан сўнг аста-секин яхши бўла бошлади. Ҳозир Худога шукр, ҳаммаси яхши! Сизлар қизимни ҳаётга қайтаргансизлар, Азизбек, домлангизга ҳам яна бир бор раҳматини айтиб қўясиз. Биз у инсондан то абад миннатдоримиз, – дея аёл тўхтамай гапирар, ичидагини танига сиғдира олмасди. Шу боис унинг сўзларини бўлмай тингладим, қувончдан ёшланган кўзларини артиб, ўзини босиб олгач, қатъият билан бир сўз айтдим:

– **Бу – бизнинг шифокорлик бурчимиз.**

Ҳа, аёлнинг кейинги гаплари қулоғимга кирмасди, гўё. Танлаган касбим ва тақдиринг инояти учун ич-ичимдан гурурланардим.

Ана шундай улғу, ўткир нигоҳ, кенг тафаккур, теран идрок соҳиби Жуманазар Бекназаровнинг шогирди бўлганимдан қувониб кетдим. Инсон саломатлиги нақадар улкан бойлик. Дардманларга бахт улашиб, улар билан елкама-елка курашиб, кўзларда шодлик кўриш учун яшаш нечоғлик буюк нашида. Мен чин ирода соҳибаси – ўша аёлнинг бир сўзини ханузгача унутолмайман. Ҳар тоғ мана шу сўзни ёдга олиб, аёло кайфиятда ишга йўл оламан:

– Яхшиямки, бу дунёда шифокорлар бор экан. Бошларингиз омон бўлсин!

**Мухсинжон АЛИМОВ.**

Мамнуният билан айтилган бундай сўзларни эшитса, қайси шифокорда ўз касбига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғонмайди, дейсиз?



## Специалист рекомендует

## В РАЗГАРЕ ЛЕТНИЙ ЗНОЙ

У каждой географической зоны свои особенности, и население каждой страны за много лет уже приспособилось к климатическим свойствам, присущим тому или иному времени года. Мы привыкли к тому, что зима сопровождается обильными снегами и морозными днями, в связи с чем следуем правилам, помогающим нам уберечь свое здоровье в холодный период. Но, как ни удивительно, наше здоровье требует заботы в летний зной не меньше, чем в зимний мороз. В данной статье читатель может ознакомиться с простыми советами, которые помогут ему уберечься от последствий летней жары. Пора жарких солнечных дней, именно в этот период организм человека ощущает потребность в спасении от зноя. Как можно этого добиться?

**В жару у взрослых и особенно у детей пропадает аппетит. Нельзя ли избежать этого с помощью рационального питания?**

Под воздействием высокой температуры и солнечного облучения снижается отделение пищеварительных соков, отсюда и снижение аппетита. Однако правильное питание может ослабить это неприятное явление. Прежде всего следует использовать блага, которые дает жаркое лето. Я имею в виду изобилие овощей и фруктов. Наш рацион должен быть насыщен ими. Среди продуктов, богатых белками, в летний сезон предпочтение следует отдавать молоку, молочным продуктам, нежирным сортам мяса и рыбе. Жирное мясо требуется для усвоения более насыщенной деятельности пищеварительных желез. В условиях жаркого климата наиболее рационально четырехразовое питание: завтрак – 20-25 процентов суточного количества калорий, в обед – 20, в полдник – 35-40 и в ужин – 15-25.

**Как и чем лучше утолять жажду?**

При высокой температуре воздуха организм человека за час теряет до 1,7 литра воды. Чтобы восполнить большие потери влаги, человек выпивает за день 8-10 литров различной жидкости. Надо помнить, что с потом из организма выделяются минеральные соли, водорастворимые витамины и микроэлементы. А все эти вещества очень нужны организму. Частое и обильное питье в жару нежелательно. Также нежелательно и длительное воздержание от питья. Как же быть? Что рекомендует по этому поводу наука о питании?

Утром за завтраком надо утолить жажду полностью. В обеденный перерыв много пить перед приемом пищи не следует, так как это в какой-то мере приводит к разбавлению желудочного сока и снижает его переваривающие способности. При сильной жажде рекомендуется ограничиться прополаскиванием рта и несколькими глотками воды. После еды можно пить до полного удовлетворения жажды. Во второй половине дня следует соблюдать такой же питьевой режим, как и в первой. За ужином вновь можно пить сколько хочется. Для утоления жажды важно не только количество жидкости, но и ее свойства. Хорошо утоляет жажду зеленый чай. Он обладает способностью повышать желудочную секрецию, медленнее черного чая выводится из организма. Полезны также холодный отвар из различ-

ного набора свежих или сушеных фруктов, хлебный квас, морс, газированные минеральные воды.

**Какая одежда и обувь способствуют лучшему самочувствию в жаркие дни?**

В наших климатических условиях одежда должна быть максимально легкой, из тонкого льняного полотна, хлопка, шелка. Хорошо защищает от солнца также платье из тонкой белой шерсти. Летом, кроме видимых и инфракрасных лучей, на человека воздействует ультрафиолетовый спектр солнца. Биологическое действие его велико, а избыток не всегда полезен. С помощью одежды можно регулировать приток ультрафиолетовой радиации большим или меньшим обнажением тела, подбором материала с различной степенью проходимости этих лучей. К сведению любителей различных синтетических материалов хочу сказать, что наибольшее количество ультрафиолетовых лучей проходит через ткани из искусственного, в частности, ацетатного шелка светлых оттенков, а для защиты от этих лучей целесообразны ткани красных тонов. Чтобы уменьшить солнечное облучение тела, предпочтительны ткани из хлопка и льна, желтых, оранжевых или красноватых оттенков. Надо иметь в виду, что штапельные и хлопчатобумажные ткани со сквозными порами большого диаметра пропускают до 30-35 процентов ультрафиолетовой радиации, а льняные и плотные хлопчатобумажные ткани – лишь 6-8. Нескольких слов о головном уборе. Хорошо защищают голову от перегрева панамы из белой льняной рогожки, соломенные шляпы. При выборе их следует обратить внимание на такую подробность: донышко шляпы не должно касаться головы.

Что касается гигиены обуви, то летом рекомендуется носить обувь хорошо вентилируемую, на кожаной гибкой пошиве, облегченного типа. Следует избегать туфель с лакированным верхом, так как у них ничтожная воздухо- и паропроницаемость. Относительно местного фасона галос и обуви на резиновой подошве следует заметить, что при пользовании ею повышается потливость, а иногда появляются трещины кожи. Ношение такой обуви в жару крайне нежелательно. Любопытный факт был установлен при исследовании гигиенической характеристики различных носков. Рекомендуется носить летом хлопчатобумажные и шерстяные носки. Именно шерстяные носки хороши при выходах и длительных прогулках. Ноги в них почти не потеют. Лучшая обувь для детей в летнюю пору – сандалии или туфли с текстильным верхом на кожаной подошве.

**Как сохранить в помещении хотя бы относительную прохладу?**

Надо откровенно признать, что многие благоустроенные жилые дома, выстроенные за последние годы, не совсем отвечают гигиеническим требованиям по созданию микроклимата в условиях жаркого лета нашей республики. Это особенно ощущается в крупнопанельных домах. Здесь большое значение приобретают правильная ориентация и планировка жилых зданий в микрорайоне, озеленение и обводнение. Очень важно также создать движение воздуха внутри помещения. Но некоторая часть людей панически боится сквозняков и всячески ограждает от них себя, своих близких, особенно детей. С медицинской точки зрения это неправильно. Дело в том, что для сохранения комфорта внутри помещения на каждого человека должно приходиться 10-20 кубических метров воздуха с вентиляцией 250 литров в час. Такая вентиляция необходима, чтобы в помещении не скапливался углекислый газ. Следовательно, нужно постепенно приучать себя и детей к перемещению воздуха, иначе вы будете подвержены простуде при любом дуновении ветерка и особенно при включении вентиляторов, которые в нашем климате необходимы.

Прохладу внутри помещений сохраняют солнцезащитные жалюзи или занавески из соломы, деревянных планок на окнах. К этим приспособлениям целесообразно прибегать во время подъема температуры и прямого попадания солнечных лучей, а рано утром, вечером и ночью окна следует оставлять открытыми.

**Что бы вы посоветовали обслуживающим организациям для смягчения неблагоприятных условий жаркого лета?**

В жару благотворно влияет на организм принятие холодного душа. Несмотря на то, что у нас в городах есть возможность создать летние душевые установки, этому важному мероприятию не уделяют должного внимания. Ведь когда-то Ташкент славился своими душевыми установками. Целесообразно было бы в жаркий сезон года в областных городах и районных центрах создать летние душевые установки. Это способствовало бы улучшению здоровья населения и повышению работоспособности. Несмотря на то, что из года в год улучшается обеспеченность населения питьевой водой, устанавливаются автоматы газированной воды, еще плохо обстоит дело с установками на многочисленных улицах достаточного количества питьевых фонтанчиков; надо усилить контроль, чтобы они исправно работали. Если соблюдать гигиенические условия, о которых мы рассказали, можно лучше приспособиться к повышенной температуре окружающей среды, легче сохранять работоспособность.

**А. ТОХИРИЙ,**  
старший преподаватель  
ТашиУВ.

## Мутахассис маслаҳати

Мана, ўлкамизда мева-сабзавот ва полиз экинларининг айни пишиқчиликка кирган бир давридир. Ушбу маҳсулотлар бозор расталарида ўз таровати билан ҳар бир киши эътиборини жалб этади. Ҳатто бозорнинг ўзидаёқ маҳсулотларни ювмасдан туриб, мазасини татиб кўрамиз. Лекин уларнинг санитария-гигиеник ҳолати, шунингдек, текширув лабораторияларидан ўтказилган таҳлиллари билан қизиқмаймиз. Бунинг натижасида ўткир юқумли ичак касалликларига чалиниб қолишимиз ҳеч гап эмас...

ЎТКИР ЮҚУМЛИ ИЧАК  
КАСАЛЛИКЛАРИДАН  
САҚЛАНИНГ

Ўткир юқумли ичак касалликларига қорин тифи, сальмонеллез, ичбуруғ, вирусли гепатитнинг "А" тури, ротавирусли гастроэнтерит ва бошқа бир қатор касалликлар қиради. Бу касалликларнинг барчасига мавсумийлик хос бўлиб, йилнинг иссиқ кунларида кўпроқ учрайди.

Ўткир юқумли ичак касалликларини ташқи муҳитга анча чидамли бўлган бактерия ва вируслар кўзғатади. Ичак инфекциялари кўзғатувчиларнинг барчаси ташқи муҳитга анча чидамли бўлади. Масалан, қорин тифи микроблари оқар сувда, сабзавот ва меваларда 5 кундан 10 кунгача, қўлмак сувда 1 ойгача, нон ва нон маҳсулотлари юзасида 50 кунгача тирик сақланади. Сальмонеллез кўзғатувчилари озиқ-овқат маҳсулотларида қулай шароитларда кўпайиши ҳам мумкин. Мазкур касаллик кўзғатувчиларнинг манбалари бемор ва бактерия ташувчилар ҳисобланади. Улар юқумли касаллик кўзғатувчиларини асосан ўзларининг ахлатлари билан ташқи муҳитга чиқаради ва атроф-муҳитни шу касалликлар кўзғатувчилари билан ифлослантиради. Ичбуруғ касаллиги билан оғриган беморнинг 1 грамм ахлатидан 1 миллионгача, қорин тифи билан оғриган бемор ёки бактерия ташувчининг 1 грамм ахлатида эса 10 миллион донагача касаллик тарқатувчи бактериялар бўлиши мумкин. Ўткир юқумли ичак касалликларининг юқиш йўллари бирига ўхшаш бўлса-да, уларнинг ҳар бирини етакчи юқиш омиллари бор. Масалан, қорин тифи касаллигида етакчи юқиш омиллари сув ҳисобланса, ичбуруғ ва сальмонеллез касалликларидан эса етакчи юқиш омиллари киради. Мазкур касалликлар одамларга маиший мулоқот, шунингдек, касаллик кўзғатувчилари билан ифосланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув истеъмол қилиш натижасида ҳамда оғиз орқали юқади. Ёз ойларида ўткир юқумли ичак касалликларининг фаоллиги ошади. Аҳоли кўпроқ сув, ҳар хил чанқовбосди ичимликлар ичади, мева-сабзавот, қўкатлар истеъмол қилади ҳамда касаллик кўзғатувчилари билан ифосланган очик сув ҳавзаларида чўмилади ва шу жараёнларда улар ўзларига ўткир юқумли ичак касалликларини юқти-

риб олиши мумкин. Касаллик асосан мавсумий ҳисобланиб, йилнинг ёз ва куз фаслларида кўпроқ учрайди.

Касаллик кўзғатувчиларининг одам организмига тушиб, токи касалликнинг илк аломатлари пайдо бўлгунча маълум бир вақт ўтади. Бу давр белгиларсиз кечади ва у касалликнинг яширин даври ҳисобланади. Ўткир юқумли ичак касалликларидан бу давр бир неча соатдан 21 кунгача давом этиш эҳтимоли бор. Сальмонеллез касаллигида яширин давр 6 соатдан 2 кунгача, ичбуруғ касаллигида 2 кундан 7 кунгача, қорин тифида 7 кундан 21 кунгача ва вирусли гепатитнинг "А" турида 7 кундан 35 кунгача давом этади. Бу давр айрим ҳолатларда қисқариши ва чўзилиши ҳам мумкин.

Аксарият ўткир юқумли ичак касалликларига чалинган беморларда ҳолсизлик, кўнгил айнаши, қусиш, ичининг суяқ кетиши, тана ҳароратининг кўтарилиши каби аломатлар қайд этилади. Беморларга ўз вақтида тегишли тиббий ёрдам кўрсатилмаса, бу касалликлар ўзидан асоратлар қолдириши мумкин. Буларга ичаклар фаолиятининг бузилиши, ичакдаги яралардан қон кетиши, ичак деворларининг тешилиши, ўткир буйрак етишмовчилиги ҳамда бошқа бир қатор асоратлар қиради ва баъзида бу асоратларнинг айримлари кўнгилсиз ҳолатларга олиб келади.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, санитария тозаллиги ва ободонлаштириш ишларини мунтазам амалга ошириш, умумий овқатланиш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг савдоси билан шуғулланадиган корхоналарда санитария қоида ва талабларига риоя қилиш ҳамда аҳолини санитария маданиятини кўтариш, ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун овқатланишдан олдин, хожатхонадан сўнг қўлларни совунлаб ювиш, тирноқларни вақтида олиш, ўз сочиғидан фойдаланиш ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди.

**Азизбек НИЗОМОВ,**  
Республика саломатлиги  
ва тиббий статистика  
институтини Тошкент  
шаҳар филиали  
мутахассиси.



## Китоб жавонингизга

ТИББИЁТ ХОДИМИНИНГ  
МАЪНАВИЙ КЎМАКЧИСИ

Пойтахтимиздаги “Янги аср авлоди” нашриётида А. Усмонхўжаев, Р. Салиходжаева, Ш. Ризаев, Ў. Абилов ва М. Тўрахонова муаллифлигида ҳамда тиббиёт фанлари доктори, профессор А. Алимов умумий таҳрири остида “Тиббиёт ходимлари маънавияти” китоби чоп этилди. Китоб ўзидаги чуқур фалсафий ифодалари, мазмунли ва маънодор фикрлари билан ғоят аҳамиятлидир.

Тиббиёт ходими маънавияти – бу аслида жуда кенг тушунча бўлиб, унда соҳа ходимларининг маънавий фазилатлари, уларнинг маданий ва маърифий қарашлари ўз ифодасини топади. Таъкидлаш ўринлики, маънавият – аждодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи кўприк ҳисобланади. Маънавиятли инсон, имонли, виждонли, иродаси мустаҳкам, баркамол шахс эканлиги сир эмас. Зеро, мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда айнан ана шундай соғлом фикрли, иродали, юсак маънавиятли, баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Юсак маънавият – енгилмас куч” асари эса ҳар бир соҳа вакилларининг маънавияти юксалишига, жумладан, тиббиёт ходимларининг касбий салоҳияти ва маънавий дунёсини бойитиш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

“Тиббиёт ходимлари маънавияти” китоби бу йўналишдаги сайёҳ-ҳаракатларнинг узвий давомидир. Китоб тўртта бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим ўзининг кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Хусусан, “Маънавият – қалб кўзгуси” деб номланган биринчи бўлимда маънавият, Ватан туйғуси, миллий ғоя каби ўнлаб тушунчалар ҳақида жуда муҳим фикрлар берилган.

“Маънавият кўпроқ инсоннинг ички, ботиний, яширин дунёсини акс эттиришдир. Инсоннинг ички ботиний дунёси эса мисоли гавҳар тўла тубсиз денгиздир. Бу денгиздан қанча гавҳар олсангиз тугамагани сингари инсон ички дунёси ҳам тубсиз, ранг-баранг намоён бўлаверади. Инсон қалбига, ботиний дунёсига қанчалик чуқур кириб борсангиз, шунчалик янгидан-янги қирраларни кашф этамиз” дейилади китобда. Демак, тиббиёт ходимлари энг аввало, инсон қалбига чуқур кириб бориши, унга йўл топиши керак. Шифокорлар зиммасида аҳолининг сиҳат-саломатлиги ва ҳаётини сақлашдек ғамхўрлик масъулияти бор экан, улар ўз касбларига ҳалол, юсак масъулият ҳисси билан ёндашиши, маънавий бурчлари ва деонтологик маданиятига содиқ бўлишлари талаб этилади.

**Китобнинг иккинчи бўлими** “Тиббиёт ва маънавий мерос” деб номланган. “Тиббий мерос” деганда кўз олдимизда улғу олим, тиббиёт дарғаси Абу Али ибн Сино намоён бўлади. Шу боис ҳам битта боб аллома ҳаёти ва ижоди, унинг тиббий, маънавий, фалсафий қарашларига бағишланган. Айниқса, китобда улғу алломанинг “Тиб қонунлари” асари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Ушбу асар инсон танасининг соғлом ва носоғлом пайтидаги ҳолатларига нисбатан илмий ёндашувда фойдаланилган жаҳондаги биринчи китоб ҳисобланади.

**Китобнинг мазкур бўлимида** Букрот (Гиппократ), Маймонид, Ўзбекистон шифокорлари қасамёдлари ўз ифодасини топган.

“Тиббиёт ва маънавият” деб аталувчи учинчи бўлим китоб мазмун-моҳиятини тўла маънода очиб берган. Жумладан, тиббиёт деонтологияси – тиббиёт ходимининг бурчи, одоби ҳақидаги фан тўғрисида муҳим аҳамиятга эга маълумотлар баён этилган. “Ўз умрини савоб иш – табибликка бахш этган одам, энг аввало, сахий, мурувватли, соддадил, ҳақгўй, беғараз ва адолатпарвар бўлмоғи керак. Ташқи қиёфаси эътиборга лойиқ, камсуқум ва камгап, очик чехрали, боқишлари мулоим ва табассумли, озода ва камтарин кийинган бўлиши лозим. Зеро, унинг кўриниши ва хатти-ҳаракатлари бемор ва унинг қариндошлари орасида ҳурмат ва ишонч туйғусини уйғота олсин. Тиббиёт ходимининг самимиёлиги у қилмоқчи бўлган муолажанинг аввалидир” деган фикрлар (Ибн Сино) маънавиятли тиббиёт ходимини яққол намоён этади.

Китобнинг “Маънавият ва саломатлик” деб номланган тўртинчи бўлимида ҳам маънавият тушунчасининг янги қирралари илмий ва маънавий қарашларда баён этилган. Хусусан, биоэтика, валеология, тиббиёт ва психология, оила ва жинсий ҳаёт, эмоция, стресс ҳақида батафсил маълумотлар, ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти кенг таърифланган.

**Шунингдек, китобда маънавият лўғати, давлат рамзлари**, “Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 451-сонли Қарори асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика ва тиббиёт таълим муассасаларида Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган намунавий тадбирлар дастури, тиббиёт муассасаларидаги “Маънавият ва маърифат хоналари”ни жиҳозлаш бўйича тавсиялар чоп этилганки, бу тиббиёт ходимлари учун яна бир муҳим қўшимча манба саналиб, шифокорларнинг маънавиятини янада бойитади.

**Хулоса шуки, мазкур китоб тиббиёт ходимларини маънавий камолотга етаклаб, уларнинг шахс сифатида такомиллашуви ва маънавий қиёфаси юксалишига хизмат қилади.**

Таҳририят.



– Спорт и я неразделимы, с этой ракеткой я объеду весь мир.

## Добрые советы

ПОГОВОРИМ  
О ВИТАМИНАХ

**А** – принимает участие в механизме зрения и роста, он также необходим для хорошего состояния кожи. Каротин является провитамином А. Он находится только в овощах. Это биологический антиоксидант.

**Д** – регулирует содержание кальция в организме и фосфора, укрепляет и поддерживает рост костей. Продукты: рыбий жир, ливер, яичный желток, мясо, молочный жир.

**Е** – биологический антиоксидант, защищает мембрану и продлевает жизнь красных кровяных телец. Он также сохраняет витамин А. Продукты: масло, ливер, зеленые овощи, яйца, молоко.

**К** – необходим для хорошей свертываемости крови. Продукты: зеленые овощи, картофель, фрукты, ливер, мясо, яйца.

**В<sub>1</sub>** – необходим для нормального функционирования нервной и мускулатурной системы. Продукты: ливер, мясо, рыба, молоко, яйца, фрукты, овощи, дрожжи.

**В<sub>2</sub>** – принимает участие в поддержании хорошего состояния кожи и зрения. Продукты: ливер, молоко, яйца, дрожжи, мясо, овощи, рыба, фрукты.

**В<sub>6</sub>** – необходим для кислотно-го и аминокислотного метабо-

лизма, принимает участие в синтезе красных кровяных телец и в хорошем функционировании нервной системы. Продукты: потроха, мясо, рыба, зерновые, зеленые овощи, фрукты, дрожжи.

**В<sub>12</sub>** – антианемик, принимает участие в нескольких энзимических реакциях, необходим для синтеза протеина и красных кровяных телец. Продукты: потроха, мясо, рыба, дрожжи, молочные продукты.

**РР** – необходим для различного вида метаболизмов, принимает участие в функционировании нервной системы. Продукты: ливер, мясо, рыба, овощи, фрукты, пивные дрожжи.

**В<sub>5</sub>** – принимает участие в хорошем состоянии волокон кожи. Продукты: ливер, мясо, овощи, фрукты, молоко.

**В<sub>9</sub>** – необходим для элементов репродукции, принимает участие в производстве красных кровяных телец и позволяет избежать анемии. Продукты: ливер, овощи, молоко.

**Н** – принимает участие в синтезе расщепления жиров, помогает поддерживать хорошее состояние кожи и волос. Продукты: ливер, овощи, зерновые, арахис, грецкие орехи, шоколад, желток, молоко.

(По материалам Интернета).

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими

Миржалол МИРАЛИЕВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ  
Нашр учун масъул  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни  
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5439 нусха.  
Буюртма Г-858.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.



